

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси www.qishloqhayoti.uz 2013-ЙИЛ 4-ИЙУЛ, ПАЙШАНБА, 81 (8162)-сон 1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган Bahosi kelishilgan narxda.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбек Миллий академик драма театрида фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норхол Мирзаева биринчи ўринни қўлга киритди.

► Андижонда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси ҳамкорлигида гўза майдонларини сифатли суғоришни тизимли ташкил этиш ва сувни тежайдиган технологияларни қўллаш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда гўза парваришидаги барча агротехника тадбирини ўз вақтида ўтказиш, суғориш ишларини тунги вақтларда ташкил этиш, сувни тежаш ва иш унумдорлигини ошириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

► Термиз шаҳрида “Bank-Exro – 2013” кўргазмаси ўтказилди. Тадбир доирасида тижорат банклари томонидан тадбиркорлар, фермерлар ва коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

УЛКАН САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 июль куни “Жиззах” маҳсул индустриал зонаси – Хитой компаниялари учун улкан сармойавий имкониятлар майдони мавзусидаги форум очилди.



Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва “Ўзинфоинвест” агентлиги томонидан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг савдо-саноат, сармоя, соғлиқни сақлаш, энергетика, нефть-газ, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, автомобилсозлик, озиқ-овқат ва энгил саноат, қурилиш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электр техникаси, кўнчилик, металлургия каби қатор соҳа-



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

лар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Фаниев, иқтисодий вазир Г.Саидова, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда қулай сармойавий муҳит шаклланди.

тирилгани, хорижий сармойадорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Ҳар йили мамлакатимизда уч миллиард доллардан кўпроқ, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИСТИҚЛОЛ – БИЗГА ЭРКИН МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРДИ



Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғриси”даги Қарори қабул қилинган кун хўжалигимиз аъзолари билан давлатга дон сотиш режасини уддаладик. 231 гектар галла майдонидан чўл шароитида салкам 60 центнердан дон йиғштириб олдик. Шартномада белгиланган 476 тонна ўрнига қабул масканларига 564 тонна галла етказиб бердик. Хўжалигимиз ихтиёрида ҳам 600 тоннадан ортиқ дон қолди. Айни кунда эса асосий эътибор 165 гектар майдондаги гўза парваришига қаратилган.

Мустақиллик менга қишлоқ мулкдори бўлиб, фермер хўжалигига раҳбарлик қилиш имкониятини яратиб берди. Шу имкониятдан гурурланиб, фермер хўжалигимни “Истиқлол” деб номлаганман.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу каби эзгу ишларни бизнинг Қоровулбозор тумани мисолида

ҳам кўриш мумкин. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чўл бағрида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бунёд этилиши муносабати билан бугун бу ерларда амалга оширилган ўзгаришларни кўрган киши лол қолади.

Қишлоққа саноатнинг олиб кирилиши, намунавий лойиҳалар асосида қуриб фойдаланишга топширилаётган уй-жой-

лар, қишлоқ жойларидаги замонавий мактаб, коллеж, тиббиёт муассасаларини бир кўринг. Ахир, буларнинг бари-си мустақилликнинг меваси эмасми?

Амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар сабаб, саховатли заминимиз ўзининг ҳақиқий эгасини тоғди. Бир пайтлар пахта ва галла ҳосилдорлиги гектарига нари борса 15-20 центнерни ташкил этадиган

туманимизда бугун галладан 40-60, пахтадан 30-40 центнердан хирмон кўтариляпти. Фермернинг даласи бошига минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилляпти, шартнома режасидан ортиқ маҳсулот қишлоқ мулкдори ихтиёрида қолдирилмоқда. Булар мустақиллик йилларида ўзбек деҳқонига қаратилган эътибор, яратиб берилган шарт-шароит маҳсули эмасми?

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, саховатли заминимизда меҳнат қилиб, халқимизнинг ризқу насибасини яратаётган юртимиздаги минглаб қишлоқ мулкдорларидан бири эканлигимдан фахрланаман.

Ҳасан РЎЗИЕВ,
Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги “Истиқлол” фермер хўжалиги раҳбари.

УЛКАН САРМОЯВИЙ ИМКОНИАТЛАР МАЙДОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодидеги барқарорлиги, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ва ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда хоризж сармояси иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 18 март куни қабул қилинган «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этишга оид фармонига мувофиқ мазкур ҳудудда яна бир саноат зонаси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишдан иборатдир. Мамлакатимизда Ўзбекистон-Хитой саноат паркинни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган мазкур махсус индустриал зона фаолиятининг асосий вазифалари юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технологияли корхоналар ташкил этиш учун хоризжий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қўлай шарт-шароитларни шакллантиришдир.

Анжуманнинг биринчи кунинда хитойлик меҳмонларга «Жиззах» махсус индустриал зонасида яратилган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қарайди, – деди Хитойнинг Чжэцзян провинциясининг Вэньчжоу шаҳри мэри-

нинг ўринбосари Чжэн Чаоян хоним. – Ўзбекистонда хоризжий сармоядорларнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши учун барча зарур шароит, улкан имкониятлар ва имтиёзлар яратилган. Бундай кенг имкониятлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини оширишга хизмат қилади.

Форумда Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларидан уч юзга яқин ишбилармон иштирок этаётгани уларнинг «Жиззах» махсус индустриал зонасида мамлакатимиз тадбиркорлари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, бу ерга сармоя киритиш ва Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва фаол ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қизиқиши юқори эканидан далолатдир. Жорий йилнинг апрель ойида Хитойнинг Пекин, Ханчжоу, Сучжоу ва Шэньян каби шаҳарларида Ўзбекистон-Хитой сармоявий форумлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар якунларига кўра, «Жиззах» махсус индустриал зонасида электр техникаси, машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, замонавий курилиш материаллари ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликда юқори технологияли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий қиймати 300 миллион АҚШ доллари-га тенг 54 ҳужжат имзоланди.

Компаниямиз ўзбекистонлик шериклари билан 2002 йилдан буён фаол ҳамкорлик қилиб келаётир, – деди Хитойнинг «Holley» компанияси вакили Ганг Сяо. – Ўзбекистонда электрон ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўзбекистонда хоризжлик ишбилармонлар учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар, жозибатор сар-

моявий шароит яратилгани бизни мамлакатингиз ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ундамоқда. Бу Ўзбекистон раҳбарининг хоризжий сармоядорларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги самараларидир.

Анжуманда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Нефть-газ, кимё саноати, курилиш материаллари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, озиқ-овқат ва енгил саноат, чарм пойабзал, фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, бу йўналишларда ўзаро фойдали сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Форум иштирокчилари «Жиззах» махсус индустриал зонасининг Сирдарё вилоятидаги филиалида бўлиб, ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар билан танишди. Сирдарё туманидаги «Пенг-Шенг» масъулияти чекланган жамиятининг мобил телефонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонасининг очилиш маросимида қатнашди.

Анжуманда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида энергетика, электрон курилималар, телекоммуникациялар, тўқимачилик, машинасозлик ва фармацевтика соҳаларида сармоявий қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган умумий қиймати 100 миллион АҚШ доллари-дан зиёд 21 битим имзоланди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Анжунан Вилояти

Марҳамат тумани
Тўхтасин Мирзаев
номли массиви
ҳудудидаги дехқон-
чилик қилинадиган
ерларнинг асосий
қисми чўл ҳудудига
тўғри келади. Оқар
сўвнинг етиб бори-
ши мураккаб,
тупроқ шароити
оғир бўлган бу
жойларда экин
экиб, кўзланган
ҳосилни олиш ҳар
кимнинг ҳам қўли-
дан келавермайди.

БАХТ КҮШИ
ИНТИЛГАННИНГ
БОШИГА ҚУНАДИ

Шу боис, дастлаб фермер хўжалиқларини ташкил этиш жараёнида бу ерларга талабгорлар сони кам эди. Аммо чўлда бўстон яратишни кўнглига тугиб иш бошлаган «Муҳаммад Юсуф юрти» фермер хўжалиги раҳбари Фойибжон Мадумаров бугунги кунга келиб ўз мақсади-га эришди.

Бугун унинг кўп тармоқли фермер хўжалигига ҳавас қилса арзийди. Дастлаб 66 гектар ер майдонига эга бўлган фермер хўжалигининг эндиликда 70 гектар ер майдони мавжуд. Дастлабки пайтда пахта ва галла ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмаган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич галлачиликда 60, пахтачиликда 45 центнерга тўғри келяпти.

Хўжалик қошида чорвачилик, богдорчилик, балиқчилик, асаларичилик тармоқлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Фермер ихтиёрида 6 бош қорамол, 50 бош парранда, 4 бош қўй, 2 гектар боғ ҳамда сунъий ҳовуз мавжуд.

Қишлоқ мулкдорининг мушкулани осон қилаётган, дехқончиликда унга қўлқанот бўлаётган техника базаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Мамлакатимизда фермерлар учун яратилган имтиёзлардан ўз ўрнида, самарали фойдаланишни ҳам яхши биладиган Фойибжон Мадумаров лизинг ва банк кредитлари асосида 1 та «МХ-135», 1 та «Магнум» русумли юқори унумли ҳайдов, 2 та ТТЗ-80-11 русумли тракторлар, 2 та НТЗ 10-25 техникаларини сотиб олишга эришди.

Туманда Фойибжон Мадумаров каби фермерлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол. Уларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига аграр соҳада кўзланган мақсадларга эришилиб, элимизнинг дастурхони тўқинлигини таъминлашга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга эришилмоқда.

Отабек УМАРОВ

Сурхондарё Вилояти

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, МЎЛ ҲОСИЛ, ЮҚОРИ ДАРОМАД

Обод турмуш йилида Сурхондарё вилоятидаги уч мингдан зиёд фермер хўжалиги 98 минг гектар майдонда галла парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Воҳада бошоқли донни ўриб-йиғиб олиш ва ҳосилдан бўшаган майдонларни сомон пояларидан тозалаш, пешма-пеш шудгор қилиш ишлари қизгин паллага кирди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқда етакчи кучга айланган фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, экин майдонларига муносабатни тубдан ўзгартириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юқори самаралар бермоқда.

Жорий йилда Сурхондарё вилояти миришкорлари давлатга 291 минг тоннадан ортиқ дон топширади. Ўрим-йиғим мавсумининг аҳиллик ва уюшқоқлик билан ташкил этилгани галлакорларни шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Бунинг учун 292 комбайн жалб этилди. Ўриб-йиғиб олинаётган ҳосилни ташиш ва сомон пояларидан тозаланаётган ерларни сифатли шудгор қилиш учун етарли техника воситалари ажратилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, мавсумда мавжуд экин майдонларини шудгорлаш учун 650 техника кучидан фойдаланилади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 31 майда қабул қилинган бошоқли дон экинлари ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни тез, сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда, – дейди вилоят Табиати муҳофазат қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Баҳодир Уринов. – Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси,

қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермер хўжалиқлари кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ёзги шудгорни ўз вақтида бажариш, ҳосилдан бўшаган майдонларда сомон ёқилишининг олдини олиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Сомон қолдиқларини ёқишнинг инсон саломатлиги ва экин майдонлари структурасига салбий таъсири ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шартнома режасидан ортиқ етиштирилган галла ҳосилининг фермерлар ихтиёрида қолдирилаётгани дехқоннинг моддий манфаатдорлигини оширмоқда. Моддий ресурслардан тежаб фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва тупроқ структураси бузилишининг олдини олиш, сифатли шудгорланган майдонларнинг бир қисмига такрорий экин экиб, қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Узун, Сарисийё, Денов, Олтинсой, Шеробод туманларида ҳосилдан бўшаган экин майдонларининг сомони ўз вақтида йиғиб олинаётгани, шудгор тез ва сифатли бажарилаётгани ҳам фермерларнинг тадбиркорлиги ортиб бораётганидан далолатдир.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳосилдан бўшаган майдонлар сомонини йиғиб олиб, уч кун ичида шудгорлаш сув ресурсларини тежашда муҳим аҳамиятга



СУРАТДА: Ангор туманидаги «Ҳофиз-Шодмон» фермер хўжалиги раҳбари Турғун Эшалев.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

эга. Галла ўриб-йиғиб олинган, ернинг узоқ муддат ҳайдалмай қолиши намликни қочириб, экин майдонларини такрорий суғоришни талаб этади.

Денов туманида 338 фермер хўжалиги 9 минг 904 гектар майдонда галла парваришлаб, мўл ҳосил тўплади. Айни кунларда ҳосилдан бўшаган майдонларни сомон пояларидан тозалаш ва шудгорлаш ишлари юқори савияда олиб борилаётир.

Тумандаги «Лочин» фермер хўжалиги 83 гектар майдонда маҳаллий иқлимга мос, серҳосил ва эртагишар «Краснодар», «Половчанка» навли галла эккан эди. Ўтган йили ҳосилдан бўшаган майдонлар сомон пояларидан ўз вақтида тозаланиб, шудгорнинг сифатли амалга оширилгани, эрта кунда ерга уруғ қадалиб, майсалар меҳр билан парвариш қилингани туфайли юқори ҳосил олинди. Фермер хўжалиги 320 тоннадан ортиқ сара дон топшириб, шартнома режасини ортиги билан бажарди. Режадан ортиқ йиғиб олин-

ган 130 тонна буғдой хўжалик ихтиёрида қолдирилди.

– Дон – рўзгоримиз кўрки, фаровонлигимиз белгиси, – дейди «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев. – Сомон чорва учун тўйимли озуқади. Шунинг учун ҳосилдан бўшаган майдонларнинг сомонини ўз вақтида йиғиб оламиз. Ерларни пешма-пеш шудгор қилиб, такрорий экин етиштирамиз. Бу йил ҳайдалган майдонларнинг бир қисмини келгуси йил ҳосили учун тайёрлаётган бўлсак, қолган қисмига мош, сабзи, чорва учун маккажўхори экдик. Такрорий экилган озиқ-овқат маҳсулотлари хўжалигимиз учун қўшимча даромад олиб келмоқда. Буларнинг барчаси фермерларга кўрсатилаётган эътибор ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭКОТУРИЗМ – ДАРОМАД МАНБАИ

Шунингдек, атроф-муҳитни асрашда янгича ёндашув

Бугунги кунда туризм дунё мамлакатлари иқтисодийётига салмоқли даромад келтираётган соҳалардан бири ҳисобланади. Юртимизда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхоналар, дам олиш санаторийлари, янги-янги сервис хизмати шоҳобчалари барпо этилмоқда. Мавжуд транспорт-коммуникациялари қайта таъмирланиб, барпо этилаётгани диёримизга келаётган сайёҳлар сонини йилдан-йилга оширмоқда. Сайёҳлик хизматларининг тобора ривожланиши натижасида сўнгги йилларда унинг экотуризм, агротуризм, археологик туризм каби ноанъанавий турлари шакллана бошладики, ҳозирги кунда мазкур йўналишлар, айниқса, экотуризм мутахассислар томонидан тез тараққий этаётган соҳа сифатида баҳоланмоқда.

Авваламбор, экотуризм табиатни муҳофаза қилишга янгича ёндашувдир. У атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни ўз ҳолича сақлашнинг амалдаги кўринишларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг мазкур йўналиши сайёҳларни ва сайёҳлик ташкилотларини табиатга салбий таъсир кўрсатмасликка ҳамда уни муҳофаза этишга қорлайди.

Экотуризм – бу анъанавий туризмдан фарқли ўлароқ, инсон таъсирига кам учраган ва химоя қилинадиган табиий хилма-хилликка бой бўлган ҳудудларга уюштириладиган саёҳатлар.

– Сўнгги йилларда сайёҳлар томонидан муайян бир мавзуга асосланган йўналишлар бўйича саёҳат қилиш истигаи ортиб бораётгани кузатилмоқда. Яъни улар бирор ҳудудни ёки мамлакатни тўлалигича эмас, балки ўзига хос жиҳатларини кўриш истигаини билдиришмоқда, – дейди “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг Жиззах вилояти Саёҳат ва экскурсиялар бюроси мутахассиси Шерзод Норбеков. – Бу эса сайёҳларнинг қизиқиш доираси йилдан-йилга кенгайиб бораётганини аңлатмоқда. Инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлигини аңлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш жуда муҳим. Бу борада экотуризм бугунги кунда сайёҳликнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, охириги ўн йиллик давомида мамлакатимизда туризмнинг экотуризм йўналиши тараққий этиб, янги сифат босқичига кўтарилмоқда. Жумладан, юртимизнинг экотуризм ривожланаётган ҳудудларидан ҳисобланадиган Жиззах вилоятининг Фориш ва Навоий вилоятининг Нурота туманларига келувчи хорижлик сайёҳлар сони ўтган беш йил давомида қарийб беш бараварга ошди.



Ўзбекистон сайёҳлик саноати ривожланиши ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатида киритилган.

Ҳозирги кунда юртимизга ташриф буюраётган экотуристлар эътиборини кўпроқ Тошкент, Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудлари ҳамда Фарғона водийсидаги горли тоғлар, музлик ва кўллар, шунингдек, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги чўл ҳамда саҳролар жалб қилмоқда. Биргина мисол, Жиззах вилояти ҳамда Навоий вилоятининг туташ ҳудудларида жойлашган Нурота тоғ тизмасига 2011 йилда 800 дан ортиқ, 2012 йилда эса 1000 дан зиёд сайёҳлар ташриф буюришган.

Экотуризмни ривожлантиришнинг

яна бир муҳим жиҳати шундаки, туризмнинг бу турида анъанавий хизмат турлари – замонавий шарт-шароитлар, меҳмонхоналар, маиший қулайликлар иккинчи даражали бўлади. Табиатнинг бетакрор манзараларини томоша қилиш учун дала ва табиат қўйнига чодир ҳамда кемпингларни жойлаштиришнинг ўзи кифоя.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, экотуризм объекти асосан нисбатан табиатга зиён етказилмаган ҳудудлар ҳисобланади. Яъни табиий ҳолича сақланган табиатни ўрганиш чоғида сайёҳларда уни асраб-авайлаш туйғуси шаклланади. Сайёҳлар ноёб табиатни, наботот ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш ишларида бевосита иштирок этадилар. Бугунги кунда экотуризмнинг айнан шу жиҳатлари сайёҳларни ўзига тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Европа мамлакатларида экотуризм анчагина қиммат бўлишига қарамай, кўплаб одамлар унга маблағ сарфлашга тайёрдирлар.

Саёҳатнинг фаол шакли ҳисобланадиган **тоғ туризми** саёҳатчидан спорт ҳамда маълум даражада кўникма ва малага эга бўлишни тақозо этади. Табиийки, саёҳатчилар ўзларининг ҳаёти ва соғлигини химоя қилишнинг барча қоидаларига риоя этиши зарур. Тоғдаги табиий шароитда саёҳатчилар тоққа саёҳат қилиш тактикасини яхши

билишлари, яъни баландликка мослашиш, рюкзакларни имкон қадар енгиллаштириш, асосан ҳаво ҳарорати ҳамда дарёдаги сув сатҳи паст бўлган вақтда саёҳат қилишлари мумкинлигини аңлаб этишлари лозим.

Маълумки, жаҳоннинг айрим ҳудудларида қор бирмунча кўпроқ вақт сақланади, бошқа жойларда эса фақатгина қиш ойлари **чанғи туризми** учун қулай мавсум. Чанғи туризмига текислик, музлик, ўртача баландликдаги тоғлар бўйлаб саёҳатга чиқиш мумкин. Бунда куйидаги муҳим қоидаларга риоя этиш лозим: маршрутни тўғри танлаш ва техник жиҳатдан мураккаб ҳудудларни белгилаш, саёҳат ва кундузги ҳаракат графигини тузиш ҳамда саёҳатчиларнинг тўғри ҳаракатланишини таъминлаш зарур.

Сув туризмида эса дарё, кўл, денгиз ва сув омборлари бўйлаб қайиқ ва кемаларда саёҳат қилинади. Ушбу туризмда яхши дам олиш ва спортнинг муштараклигини таъминлаш зарур. Аксарият сув туризми мухлислари саёҳатларини йиғиладиган каркасли байдаркада амалга оширадилар. Бу байдаркада сузиш асал олиб, қарийб 17 миллион сўм даромад қилдик. Жорий йилда эса 1000 килограммга яқин асал олишни ният қиялмиз.

Ҳа, қаҳрамонимиз ҳар бир ишни мулоҳаза юритиб бажарадиган ишбилармонлардан. Маҳалла-қўй орасида хурмат қозонган бу инсон оила мустақамлиги, турмуш ободлиги ҳалол меҳнату ҳамжиҳатликда деб билади.

Озод ОЧИЛОВ

Тошкент Вилояти

АСАЛАРИДЕК ЗАҲМАТКАШ ИНСОН



Хайридин Раҳмонов Паркент тумани Сўқоқ қишлоғидаги Холтай Тош маҳалласида истиқомат қилади. Узоқ йиллар бригадир, боғбон бўлиб ишлаган бу инсоннинг асли касби агрономлик. Хайридин ака бундан 35 йил аввал 10 асалари оиласини олиб, асаларичилик билан шуғулланишни бошлаган эди.

Ҳозирда у турмуш ўртоғи Гулбаҳор Раҳмонова билан 120 асалари оиласини парваришламоқда. Қолаверса, уларнинг қаромоғида мўъжазгина боғи, чорваси, паррандалари ҳам бор.

– Асалари ўзига хос жонзот, – дейди Хайридин Раҳмонов. – Об-ҳаво яхши бўлса, вақтида етарлича парвариш қилинса, битта асалари оиласидан йилига икки марта 8 килограммдан 30 килограммгача асал олиш мумкин. Ўтган йил биз учун жуда сермаҳсул йил бўлди. 800 килограммдан зиёд асал олиб, қарийб 17 миллион сўм даромад қилдик. Жорий йилда эса 1000 килограммга яқин асал олишни ният қиялмиз.

Ҳа, қаҳрамонимиз ҳар бир ишни мулоҳаза юритиб бажарадиган ишбилармонлардан. Маҳалла-қўй орасида хурмат қозонган бу инсон оила мустақамлиги, турмуш ободлиги ҳалол меҳнату ҳамжиҳатликда деб билади.

Сирождин РОБИДОВ



ЭЛ ҲАМ ТЎҚ,

Кейинги ҳафтани ёйди

Эрталаб шошиб ишга кетаётган эдим қўшимиз Асқар бобонинг неварасига танбех бераётганини эшитдим.

– Буни кўрмайсанми, болам, – дея нон бўлақларини бир-бири олиб неварасига узатди. – Шундоқ нонлар-а. Буларни ташлаб бўладими, сенлар ноннинг қадрини билмайсанлар. Шу бир бўлак нонни деб биз кун бўйи навбат кутган пайтларимиз бўлган. Нон энг азиз неъматлардан, болам. Уни хор қилганинг ўзиям хор бўлади...

Дарҳақиқат, халқимиз нонни ҳамisha азиз неъмат сифатида ардоқлаган, кўзига суртган.

Бугун бу азиз неъмат юртимизда сероб. Ўз еримизда етиштирилган буғдойдан ўзимиз нон пиширяпмиз. Дўконларимизда ўнлаб турдаги мазали нон ва нон маҳсулотларидан таъбимизга кўра, истасанча таъби оламиз: оқ нон, қора нон, жавдар нон, шифобахш нон, батон, ширин батон, тешиқулча, ширинкулча, оби нон, жиззали нон... Катта-кичик ҳажмдаги, махсус қадоқланган, истеъмол муддати кўрсатилган, сифати кафолатланган нонларни кўриб, кўзимиз қувнайди, дилимиз яйрайди.

Нон ҳақида гап кетганда, ёшлигимда бўлган бир воқеа ёдимга тушади.

...Қишининг совуқ кунлари. Отам билан кетаётган эдик. Қўшимиз Ориф ака уйига қоплаб нон тушираётган экан.

– Ҳорманг қўшни, тўй бошладингизми? – деди отам Ориф акага.

Қўшимиз бироз хавотир ва ҳади аралаш у ёқ, бу ёққа қараб гап бошлади:

– Бундан буёғи нон танқис бўлар эмиш, буларни қуритиб олиб кўямиз.

Отам қайта сўрадилар: – Нима учун, қачон нонга зор бўлиб қоларканми?

– Ака, – деди қўшимиз шошиб, – билмаган ишингизга аралашманг, ундан кўра нонни гамланг!

Отамнинг астойдил жаҳли чиқди. Қўшимизга яқинлашди-да, дон-дона қилиб шундай деди:

– Менга қаранг, Орифбой, мустақиллик нима эканини биласизми ўзи? Билмасангиз, билиб олинг. Мустақиллик дегани – энди ўз бойлигимизга, ўз номимизга, ўзимиз эга бўламиз, демек, номимиз сероб бўлади, бундан кўнглимиз обод бўлади дегани, тушундингизми?

...Собиқ тузум даврида нон

саноати ҳам шўро мафкураси билан иш юритарди. Нон тайёрлаш корхоналари талаб ва таклифни, аҳоли эҳтиёжини ўрганмасдан, бир хил қолипда нон ишлаб чиқарарди. Турнақатор бўлиб нонга навбатда турган, таъбига кўра танлаб эмас, нон тугаб қолмасдан улгурганига хурсанд бўлган юртдошларимиз бугун ўша даврларни аччиқ хотира сифатида эслайди.

– Бундан йигирма беш йил илгари Тошкентнинг икки жойида яхшироқ нон бўларди, – дейди Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Авазхон Толпопов. – Сахарлаб туриб вокзал томонга нонга борардим. Кеч қолсанг, тамом, навбатинг келгунча буханка тугаб қоларди. Биз ўша пайтлари нон деганда фақат аччимтироқ булгани тушунардик.

...Кундалик овқатимиз, бирор маърака ёки тўй-ҳашам, ҳатто энг катта тадбирларни ҳам дастурхонимиз кўрки, азиз неъмат бўлмиш нонсиз тасаввур эта олмаймиз. Нон азалдан қадриятларимизнинг узвий бир қисми сифатида ардоқланади. Оилада чақалоқ дунёга келганида, аввало, ризқи бутун бўлсин, деган ниётда ёстиги остига нон қўямиз. Бирор яқинимизни олис сафарга кузатиш олдидан ризқи узилмасин, дея нон тишлатамиз ёки икки ёшни унаштиришда нон ушатиб, дуо қиламиз.

Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўналишлари аниқ-равшан белгилиб олинди. Пахта яққаҳокимлигига барҳам бериш, аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Пахта далаларини қисқартириш ўрнига бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экишни кўпайтириш чоралари кўрилди.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш осон бўлгани йўқ,

албатта. Зеро, ўша пайтларда юртимизда пахта яққаҳокимлиги шу қадар авж олган эдики, фақат ҳовлиларгагина пахта экилмасди, холос. Боз устига, ўша йиллари етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикамизда қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқиб кетар эди.

Мустақилликка эришиш арафасида юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани вазиятнинг нечоғли қалтис ва мураккаб бўлганидан далолат беради. Мана шундай таҳликали бир вазиятда Президентимиз Ислам Каримовнинг халқимиз манфаатидан келиб чиқиб олиб борган қатъий ва оқилона сиёсати туфайли бу муаммолар бартараф этилди, Ўзбекистонда юзага келиши мумкин бўлган муаммонинг олди олинди.

Шўро замонида четдан катта қийинчилик ва ортиқча ташвишлар эвазига дон олиб келган Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қисқа муддат ичида нафақат ўзини бу зарур маҳсулот билан таъминлади, балки галла экспорт қиладиган давлатлар қаторига қўшилди. Албатта, бу натижага ўз ўзидан эришилгани йўқ. Собиқ тузум даврида галла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 12-15 центнердан ошмаган бўлса, мустақилликнинг бешинчи йилига келиб бу кўрсаткич юртимизда ўртача 50 центнерни ташкил этди. Айрим туманларда 70-80 центнергача етказилгани ўзбек замини нақадар унумдор, ўзбек деҳқони ва олимлари нималарга қодир эканини амалда намоён қилди.

Бунинг учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос янги буғдой навларини яратиш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш, энг муҳими, ризқ-рўз бунёдкори бўлган деҳқоннинг қаддини

тиклаш, уни меҳнатига яраша рағбатлантириш, ерга, меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартириш каби ғоят долзарб масалаларни ҳал этиш талаб қилинарди.

Мана шундай узокни кўзлаб олиб борилган, кўлами ва миқёси жиҳатидан ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ишлар қисқа муддат ичида амалга оширилди ва ўз самарасини бера бошлади. 1990 йилда юртимизда 2038,2 минг тонна бошоқли дон етиштирилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 4101,4 тоннага етди. 2012 йилда 7 миллион 170 минг тонна галла етиштирилди.

Аслида бундай ютуқларнинг замирида, аввало, деҳқон ва фермерларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ягона мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассамдир. Бугунги кунда уларнинг бу хизматлари муносиб қадрланиб, давлатимиз томонидан юксак фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланиб келинаётди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш борасида олиб борилган изчил ишлар натижасида нон саноати замонавий технология асосида ривожлантирилди, турфа нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, новвойхоналар барпо этилди. Шаҳар ва қишлоқларда юзлаб кичик нон корхоналари ишга туширилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимиз нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Замонавий ҳамир тайёрлов агрегатларининг ўрнатилиши, узлуксиз ҳамир тақсимловчи тизимлар, ун ҳамда туз, ҳамиртуруш, шакар, ёғ каби маҳсулотларни сақлашда янги технологияларнинг татбиқи этилиши нон саноати ривожига муҳим омил бўлди.

«Тошкент-нон» уюшмасидан маълум қилишларича, аҳолини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида замонавий технологиялар асосида қолипли нонларни турли катталиқда, аҳоли эҳтиёж ва талабига мос тарзда тайёрлаш имконияти янада кенгайиб, қолипли нонлардан ташқари 30 хилда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Ҳар куни темир моддаси ва йод билан бойитилган ундан қолипли ва 14 хилда шифобахш нон тайёрлаймиз, – дейди пойтахтимиздаги «Богистон-нон» корхонаси раҳбари Бобур Зокиров. – Замонавий линиялар маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келмакда. Бу ерда тайёрланаётган нон, патир, жавдар нон ва бошқа турли нон маҳсулотлари сифати, хуштаъмлиги, арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айни пайтда юртимизда нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган минглаб кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Нафақат

шаҳарлар, туман марказлари, балки чекка қишлоқларда ҳам кичик новвойхона, турли қолипли нон ишлаб чиқарадиган мини заводлар ишга туширилмоқда.

Ҳар куни нон истеъмол қиламиз. Ун таркибидаги 30-35 фоиз оқсил, 60-70 фоиз углевод, витамин ва минерал тузлар, темир, кальций ва бошқа моддалар инсон организми учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, нон таркибида бу зарур компонентларнинг барчаси ўз меъёрида бўлиши даркор.

Бугунги кунда дўконларда ана шундай шифобахш нонларнинг ўнлаб тури аҳолига таклиф этилмоқда. Турли касалликлар билан оғриганларга махсус тайёрланган нон маҳсулотлари тавсия этилади. Жумладан, қанд касаллиги, ошқозон-ичак йўлларида муаммоси бўлган беморлар учун майдаланган буғдой ва кепак аралашмаларидан турли шакл ва ҳажмдаги нон тайёрланмоқда.

Дўконларда сотилаётган барча нонларнинг сифати доимий эътиборда. Гигиена қоидаларига тўла риоя қилинишини таъминлаш мақсадида нон маҳсулотлари ичидан ҳавоси сўриб олинган пакетларда қадоқланган ҳолда сотилаётгани харидорларга манзур бўлмоқда. Бу ноннинг сақланиш муддатини узайтириб, сифати ўзгаришидан сақлайди. Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санаси ва истеъмолга яроқлилик муддати аниқ кўрсатилган.

Собиқ тузум даврида эртаю кеч ишлаб уйига бир қоп буғдой келтиришдан ҳадиксираган деҳқон бугун тонналаб буғдойни ўз омборига тўкмоқда. Ўзи етиштирган буғдойдан сифатли нон ишлаб чиқариб, халқимизга тортиқ қилаётган ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, айни вақтда галлачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас.

Бир пайтлар оддий нон тайёрлашда ҳам хориж тажрибасига ҳавасимиз келарди. Бизнинг дўконларда ҳам нон ва нон маҳсулотлари хилма-хил ва мўл бўлишини орзу қилардик. Истиклол туфайли ана шу орзуларимиз ушалди. Мана шунинг ўзиёқ мустақиллик халқимизга унинг манфаатларини ва фаровонлигини таъминлашда нечоғли улкан имкониятлар берганининг яққол тасдиғидир.

...Яқинда қишлоққа бордим. Уйдагиларга бирор совға олай деб маҳалла гузаридаги янги қурилган савдо мажмуасига кириб, ҳайрон қолдим. Тоза, озода. Харидорлар учун барча шароит муҳайё. Энг муҳими, ҳамма нарса бор – кундалик истеъмол моллари дейсизми, кийим-кечак ёки махсус қадоқланган пакетлардаги турли ширинликлар дейсизми, ҳатто автомобиль эҳтиёт қисмларини ҳам шу ернинг ўзида харид қилишингиз мумкин. Ҳар бири алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратилган. Қўшимиз Ориф бобо неваралари билан нон, патир ва бошқа турли нон маҳсулотлари териб қўйилган тоқсадан ўзларига маъқулини танлаб-танлаб олаётган экан. Бироз кузатдим. Сўнгра индамай ўз йўлимда давом этдим...

**Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.**

▼ ФУТБОЛ

ЁШЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА



Туркиянинг Газиантеп шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг нимчорак финал баҳсида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Греция ёшлар терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этди.



фи бўлди. Вазият шунчалик кутилмаган ва тез содир бўлдики, грек ҳимоячилари ҳолатни тўғри баҳолашга ва жойларини эгаллашга улгуролмай қолишди. Тўғриси, гол киритилгунга қадар вакилларимиз бир-икки бор ҳужум уюштиришнинг уддасидан чиққан бўлсалар-да, греклар босимни анча кучайтирганди. Гол киритиш учун кўпроқ ҳаракат қилгани ҳолда, аксинча, вакилларимизнинг биргина аниқ ҳаракат билан “улоқни илиб” кетиши, уларнинг руҳиятига қай даражада салбий таъсир қилганини фақатгина тасаввур қилиш мумкин. Шундай бўлса-да, кўп ўтмай греклар ҳисобни пенальтидан тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Бу вазиятда Максимилиан Фомин ҳақиқатан ҳам жарима майдончаси ичида рақибга қарши курашда қойидани бузган эди. Танафусдан сўнг ҳам греклар фаолроқ бўлишга, ўйин суратини оширишга, босимни кучайтиришга ҳаракат қилдилар. Учрашувда бурилиш ясаган вазият 60-дақиқада содир бўлди. Рақиб футболчиси ўз жарима майдончаси ичида ишлатган кўполлиги сабаб, майдондан четлатилди. Шунингдек,

Бокс тили билан айтганда, учрашув ҳақида қисқача шундай дейиш мумкин: “Греклар яхши ҳаракат қилди, кўпроқ ҳужум қилди, талайгина зарбалар берди. Аммо бизникилар аниқ урди ва энг муҳими, айна вақтида боплаб “гушириб қолди”. Статистика кўрсаткичлари ҳам сўзимизнинг илбети бўла олади. Тўпга эгаллик қилиш бўйича устунлик рақиблар томонида бўлди, фоиз ҳисобида — 60 га 40. Учрашув давомида греклар дарвозамиз томон 10 та зарба беришган бўлса, шундан 3 таси аниқ бўлган ва 1 таси гол билан яқунланган. Вакилларимиз эса рақиб дарвозаси томон 9 та зарба йўллашган, 7 таси аниқ чиққан, 3 таси гол бўлган.

Хусусан, биринчи гол вакилларимиз ҳисобига ёзилди. Тўп учун кечган курашдан сўнг Владимир Козак уни чап қанотда эгаллаб олди. Шу заҳоти рақиб жарима майдони марказида Игорь Сергеев, ўнгротдан эса Аббос Махстаиев қўлларини баланд кўтариб тўп сўрашди. Тўп қулай тарзда Аббосга узатилди. У эса тўпни тўхтатмасдан дарвоза томон йўллади ва чиройли ҳамда муҳим гол муалли-



пенальти ҳам белгиланди. Вазифани Игорь Сергеев қойиллатиб бажарди. Бу ҳолатдан сўнг галабага бўлган имкониятларимиз анча ошди. 83-дақиқада терма жамоамиз аъзолари тезкор ҳужум уюштиришди. Натижада захирадан баҳсга қўшилган Забиҳилло Ўринбоев рақиб ҳимоячилари томонидан жарима майдончаси ичида йиқитилиб, яна битта пенальти белгиланди. Бу сафар Сардор Раҳмонов жарима зарбасини аниқ бажариб, зарур — учинчи голни киритди.

Вакилларимиз гуруҳ баҳсларини Бурса, Анталия шаҳарларида ўтказишган эди. Энди Газиантепдан чорак финал баҳсини ўтказиш учун Трабзон орқали Гизе шаҳрига йўл олишади. Ушбу баҳс 6 июль куни Туркия ёшлар терма жамоасини нимчорак финал баҳсида 1:4 ҳисобида мағлуб этган Франция ёшлар терма жамоасига қарши кечади.

2 июль куни ўтказилган нимчорак-финалнинг қолган икки жуфтлиги баҳсларида Испания Мексикани, Уругвай эса Нигерия ёшлар терма жамоасини бир хил — 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Португалия — Гана учрашувида 2:3, Хорватия — Чили баҳсида эса 0:2 ҳисоби қайд этилди. Колумбия — Жанубий Корея ҳамда Ироқ — Парагвай баҳслари кеча тунда бўлиб ўтган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

▼ ЯККАКУРАШ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Украинанинг Запорожье шаҳрида яккакураш спортининг Пенчак силат тури бўйича Евросиё Кубоги очик чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро мусобақада иштирок этган Ўзбекистон Пенчак силат терма жамоаси аъзолари турли ёшлар тоифасида жами ўн иккита, жумладан, ўнта олтин ва иккита кумуш медалларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз мезбонлар — Украина Пенчак силат терма жамоаси аъзоларини ҳам ортда қолдириб, иккинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ўрин эса Озарбойжон вакилларига насиб этди.

Асли Индонезия мамлакатига пайдо бўлган Пенчак силат бугунги кунда юртимизда ҳам кенг ривожланмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили турли даражадаги мусобақалар, хусусан, мамлакат чемпионати қизгин ўтказилиб келинмоқда. Бугунги кунда юртимиз терма жамоаси спортнинг бу тури бўйича халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Жорий йилнинг кузида ушбу спорт тури бўйича пойтахтимизда халқаро турнир ташкиллаштириш режалаштирилган.



СУРАТДА: терма жамоамиз аъзоси Дилноза Латипова Пенчак силат бўйича Евросиё Кубоги мусобақасида катта ёшли хотин-қизлар ўртасида 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, у мусобақадаги чиройли ҳаракатлари учун махсус совринга ҳам эга бўлди.

О.ТЎХТАМИРЗАЕВ

○ Эълон

«TURKISTAN REALTOR GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг 2013 йил 2 июль кунги 103-п-сонли аукцион савдосига қайта чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Қўнғирот тумани ҳокимининг 2013 йил 17 июнь кунги 339/6-сонли қарорларига асосан Қўнғирот туманидан 121 (бир юз йигирма бир) дона ер участкалари аукцион савдосига қўйилади:

— Мынжарган ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 66-кварталидан № 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18, 20 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Мынжарган ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 76-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туран ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 52-кварталидан № 30 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 102 720 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 88-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 88-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 88-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 89-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 90-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 91-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 14-кварталидан № 5, 36, 37, 44, 57 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Туркистан ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 4-кварталидан № 3 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 53 640 сўм.

— Таллық ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 83-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 39 920 сўм.

— Таллық ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 84-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 39 920 сўм.

— Таллық ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 85-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 39 920 сўм.

— Таллық ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 86-кварталидан № 1, 2 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 39 920 сўм.

— Таллық ОФИдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 4-кварталидан № 4 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 39 920 сўм.

— Орнек ОФИ, Орнек аҳоли пунктдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 4-кварталидан № 32 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 42 000 сўм.

— Орнек ОФИ, Орнек аҳоли пунктдан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 4а-кварталидан № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ер участкалари. Бошланғич баҳоси 42 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 6 август куни соат 11:00 да Қўнғирот тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади. Мазкур ер участкалари юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда, навбатдаги 2013 йил 6 сентябрь, 7 октябрь, 7 ноябрь ва 7 декабрь куни ўтказилади-ган савдога қўйилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача Қўнғирот тумани ҳокимияти биносидида қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг ер участкаси бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдоридида “Turkistan realtor group” МЧЖ, ОАЖ “Асака банк” Қорақалпоғистон Республикаси филиали х/р: 20208000904946163001, МФО: 00625, ИНН: 302148414, закалат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-80.

Лицензия № RR 0100.

«KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТADBIRKORLARINI OCHIQ TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETAADI!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 2013 йил 2 мартдаги 01-02/170-сонли алоқа хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг узоқ муддатга фойдаланиш, Навбахор тумани ҳокимининг 2013 йил 26 февралдаги 02/19-сонли алоқа хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Сунъий қопламали спорт майдончалари қуриш учун, Навоий шаҳар Спутник қўргони С.Айний кўчаси 97-уй ва 93б-уйлар ораллигида 1 дона 800,0 кв.м. 2-сонли ер участкасининг узоқ муддатли 10 (ўн) йилга фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 602 800 сўм.

